

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШЕВ АКМАЛ ЮСУПОВИЧ**

**ТЕРИ ХОМ АШЁЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА БАРҚАРОР  
ҚОПЛАМАЛАР ВА ПАРДОЗЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АСОСЛАРИ**

**05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the Doctor (DSc) Dissertation Abstract**

**Тошев Акмал Юсупович**

Тери хом ашёларини қайта ишлашда барқарор қопламалар ва пардозлашнинг илмий-амалий асослари..... 3

**Тошев Акмал Юсупович**

Научно-практические основы отделки и устойчивых покрытий при переработке сырьевых шкур..... 31

**Toshev Akmal**

Scientific and practical bases of finishing and resistant coatings in the processing of hides ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 63**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШЕВ АКМАЛ ЮСУПОВИЧ**

**ТЕРИ ХОМ АШЁЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА БАРҚАРОР**  
**ҚОПЛАМАЛАР ВА ПАРДОЗЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ**  
**АСОСЛАРИ**

**05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/T288 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://web.ttyesi.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий консультант:** Қодиров Тўлқин Жумаевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна  
техника фанлари доктори, профессор

Икромов Абдувахоб Икромович  
техника фанлари доктори, профессор

Каримов Маъсуд Убайдулла ўгли  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот:** Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «02» декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси 5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№114 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «16» ноябрдаги № 114 рақамли реестр баённомаси).



**Н.К.Сабиров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.З.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Н.А.Набиева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда табиий чарм ва мўйна тери тўқимасини қайта ишлашда Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Аргентина давлатлари етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ҳозирги вақтда йирик шохли мол тери тўқимаси 37 % Хитой, Бразилия ва Ҳиндистон, майда шохли мол яъни қўй тери тўқимаси 31 % ва эчки тери тўқимаси 77 % Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Бангладеш давлатлари чарм саноатида қайта ишланади<sup>1</sup>. Хоссалари бўйича мавжуд материаллардан устун, янги махсус материалларга бўлган эҳтиёж иқтисодиёт турли тармоқларининг ўсиб боровчи талабларини қондириш, шунингдек, табиий ва синтетик бирикмалар асосидаги турли полимерларни синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда полимер-плёнкали материалларни тадқиқ қилиш, полимерлар кимёси ва физикаси соҳасида эришилган катта ютуқлар билан боғлиқ ҳолда, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ривожлантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда<sup>1</sup>. Шунингдек, микро ва макроструктурага эга бўлган, қўлланиш соҳалари ҳамда хоссалари яхшиланган янги полимерлар яратилмоқда. Бу борада, қопламали бўёқларни олиш, аввал маълум бўлмаган хоссалари яхшиланган ва аҳамиятли бўлган полимер маҳсулотларни ишлаб чиқиш, тери хом ашёларини қайта ишлашда барқарор қопламалар яратиш ва пардозлашнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш каби муҳим илмий-амалий масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, эстетик бадиий безалган, рақобатбардош ҳамда экспортбоб чарм ва мўйна маҳсулотларининг янги ассортиментларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, .... маҳаллий хомашёлардан рақобатбардош маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқаришда техника-технологияларни такомиллаштириш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу сабабли, республикамизда тайёрланаётган чарм ва мўйна тайёр маҳсулотларининг технологик хусусиятларини табиийлигича сақлаб қолиш учун уларни пардозлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, чарм ва мўйна хом ашёлари ва улардан олинadиган маҳсулотлар сифатини халқаро стандарт талаблари даражасига етказиб, жаҳон бозорига чиқишни таъминлай оладиган, илмий асосланган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

<sup>1</sup> <http://www.britannica.com/EBchecked/topic/416152/nitrocellulose>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони/

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 8 февралдаги ПҚ-4982-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 15 сентябридаги ПҚ-2592-сон «2016-2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини ривожлантиришга оид чора-тадбир тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли боша муъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Нанотехнологиялар ва кимёвий технологиялар» истиқболли йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Чарм ва мўйна саноатида техника ва технологияларни ривожлантириш, жадаллаштирилган ва экологик тоза пардозлаш технологиялар, янги турдаги чарм ва мўйна тери тўқима ассортиментлари пардозловчиларини яратишга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан British School of Leather Technology, University of Northampton (Буюк Британия), China Leather & Footwear Industrial Research Institute (Хитой), Korea Institute of Footwear & Leather Technology (Корея), Tomas Bata University in Zlín (Чехия), Revista de Pielarie Incaltaminte is published by Leather and Footwear Research Institute (Руминия), Киев Миллий технология ва Уневерситети (Украина), А.И.Косыгин номидаги Россия давлат университети (Технология. Дизайн. Санъат), Шарқий Сибирь давлат технология ва менежмент Университети (Россия), Бухоро муҳандислик-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Барқарор қопламалар асосида қопламали бўёқларни олиш, қопламали бўёқ композицияларини яратиш ва улардан самарали фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: чарм тери тўқималарини қопламали бўёқ учун янги композициялар яратилган (British School of Leather Technology, University of Northampton, Буюк Британия), қопламали бўёқлар таркибини яратилган ва уларни қўллаш технологик усуллари таклиф этилган (China Leather & Footwear Industrial Research Institute, Хитой), диффузион ҳаво плазма билан ишлов беришдан фойдаланиб бўёлган табиий чармнинг юзаси

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Wenhang Niculescu, O., Leca, M., Staicu, T., Micutz, M., Moldovan, Z., Rheological Behavior of Ecologic Pigment Pastes for Natural Leather and Fur Finishing // J. Rev Chim (Bucharest). – 2015. Vol. 66. – No 10. – P.1549-1553; Wang, Yabin Wang, Yanan Wang, Xiaowei Zhang, Xiao Wang, Guixian Gao. Fabrication and characterization of microfibrillated cellulose and collagen composite films // Journal of Bioresources and Bioproducts. – 2016, – No 1(4). – P. 162-168: [http://www.contractleathers.com/History\\_and\\_process.pdf](http://www.contractleathers.com/History_and_process.pdf) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

фаоллаштирилган (Tomas Bata University in Zlín, Чехия), мўйна тери тўқималарини NAPALAN қопламали бўйаш технологияси яратилган (Revista de Pielarie Incaltaminte is published by Leather and Footwear Research Institute, Руминия), табиий чармларни қопламали бўйашда янги таркиблари яратилган (А.И.Косыгин номидаги Россия давлат университети (Технология. Дизайн. Санъат), Шарқий Сибирь давлат технология ва менежмент Университети, Россия), чарм ва мўйна тери тўқималарини пардозлаш учун турли хил композициялар яратилган (Бухоро мухандислик-технология институти, Ўзбекистон).

Дунёда чарм ва мўйна саноати техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар: юқори сифатли чарм ва мўйна тери тўқималарини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, чарм ва мўйна тери тўқималарининг хусусиятларини яхшилаш ва уларни модификациялаш, турли хил усуллар билан ишлов бериш орқали табиий чарм ва мўйна тери тўқималарининг сирт юзасини фаоллаштириш ва уларнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда O.Niculescu, D.C.Deselnicu, M.Leca, Z.Moldovan, J.Hoefler, B.Hageman, A.Bacardit, L.Olle, J.M.Morera, **I.P.Fernandes**, **V.Pinto**, H.T.Zhang, R.Guan, M.Ibrahim, O.Osman, M.И.Кунц, Г.Г.Шлык, М.З.Дубиновский, С.И.Студеникин, Г.Ф.Есина, А.Г.Данилкович ва В.И.Чурсин кабиларнинг ишлари чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўйаш ва кимёвий табиати хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотларга бағишланган.

Республикаимиз олимлари Т.Ж.Қодиров, М.И.Темирова, Б.Г.Рамазонов, У.О.Худанов, Ф.Ф.Казаков ва бошқаларининг илмий-тадқиқот ишлари чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозловчи композицияларини яратишга бағишланган ва ижобий натижалар олинган.

Юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда чарм ва мўйна тери тўқималарни қайта ишлашда барқарор қоплама композицияларини яратиш, уларнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда барқарор қопламалар асосида чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозлашнинг ихчам технологиясини яратишга тегишли илмий-тадқиқотлар етарли даражада бажарилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-6-314 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида янги бўёкли полимер парда ҳосил қилувчилар билан чармни пардозлашнинг самарадор технологиясини яратиш», ЕФ-3.017 «Табиий ва синтетик полимерлар асосида бўёкли полимер парда ҳосил қилувчиларни яратиш, уларни қонуниятларини тадқиқи», ЁА-6-08 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида бўёкли полимер парда ҳосил қилувчилар билан чармни пардозлашнинг хавфсиз технологиясини яратиш», А-12-16 «Коллагеннинг саноат чиқиндиларини гидролиз ва модификация қилиш билан чарм учун импорт

ўрини босувчи пардозлаш материални яратиш» ва ПЗ-20170925162 «Чарм буюмлари гидрофоблаш учун янги полимер материаллар яратиш ҳамда унинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги технологик ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган барқарор қопламалар асосидаги қоплама бўёқларни олиш, асосий кимёвий ва физик – механик ҳамда гигиеник хоссаларини сақлаб қолган ҳолда чарм ва мўйна тери тўқималарини пардозлашнинг самарали технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги барқарор қопламалар асосида чарм ва мўйна тери тўқимасини қайта ишлаш учун пардозловчиларни олиш ҳамда уларнинг асосий кимёвий ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

барқарор қопламалар асосида чарм ва мўйна тери тўқимасини қайта ишлашда пардозловчининг структура ҳосил қилишини ҳамда адгезион хоссаларини аниқлаш;

барқарор қопламали бўёқларнинг чокловчи агент сифатида парда ҳосил қилиш хусусиятини тадқиқ этиш;

чарм ва мўйна тери тўқимасини пардозлашда ноорганик пигментларнинг барқарор қопламалар хоссасига таъсирини аниқлаш;

барқарор қопламалар билан пардозланган тери хом ашёларининг кимёвий ва физик-механик ҳамда гигиеник хоссаларини тадқиқ этиш;

лазер нурлантириш орқали модификацияланган чарм ва мўйна тери тўқималари сирт юзасинининг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

чарм ва мўйна тери тўқималарини барқарор қопламалар билан пардозлашнинг самарали ва хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий тери хом ашёлари, қопламали бўёқ, пигмент концентрати, органик бўёқ, коллаген, оксил гидролизати, шунингдек, қайта ишланган чарм ва мўйна тери тўқима намуналаридан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бўёқли қопламаларни олиш, тери тўқимаси юзасини қопламали бўёқ учун қопламали бўёқни қўллашнинг самарали технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида чарм ва мўйна тери тўқималари ва қопламали бўёқнинг сифат кўрсаткичларини физик-механик ва кимёвий таҳлил қилиш, ҳисобий усуллар ва математик статистика услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотларнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чарм ва мўйна тери тўқималарини пардозлашда қопламали бўёқларнинг термомеханик барқарорлигини таъминлайдиган пигментли ва пигментсиз грунтлар билан ишлов бериш ва локлаш жараёнлари қисқартирилган ҳолда пардозлашнинг бир босқичли технологияси ишлаб чиқилган;

коллагеннинг аморф ҳолатдан кристалл ҳолатга ўтиши жараёнида мураккаб кимёвий боғларнинг ҳосил бўлиши, қопламали бўёқларни чоклаш



термобарқарор ва пишиқ фазовий структуранинг ҳосил бўлиши аниқланган;

плёнка ҳосил қилиш ҳароратининг пасайтиришга, қотиш вақтининг қисқаришига олиб келувчи сополимер эмулсия ва чокловчи агент қўшиш эвазига қопламали бўёқларни оптимал таркиби аниқланган;

қопламали бўёқни термобарқарорлигининг оширишига олиб келувчи, беркитувчан ва чўзилувчан полиакрил бўёвчи композиция таркибига гетероциклик бирикмани киритиш технологияси ишлаб чиқилган;

чарм ва мўйна тери тўқимаси юзасининг структурасини ўзгартиш, коллаген толалар тутамларини ажратиш, қопламали бўёқ компонентларини чарм ва мўйна тери тўқимаси билан адгезиясини ошириш ҳамда кимёвий модификацияларсиз уларнинг реакцион қобилятини ортишига имконият берувчи қўшимча лазер нури ёрдамида ишлов бериш технологияси яратилган;

тери сирт юзасига махсус чокланган қопламали бўёқларни киритилиши эвазига тери тўқимаси морфологиясининг кескин ўзгариши, эластиклик модулининг ортиши аниқланган ва унинг тартибли структурага олиб келишини амалга ошириш услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, қопламали бўёқларнинг термомеханик барқарорлигини таъминлаш ҳамда бутун бошли комплекс талаблар мажмуасига жавоб берадиган қайта ишлашни назарда тутувчи ихчам технологик схема ишлаб чиқилган;

олинган барқарор қопламали бўёқлар сувда, спиртда, тузли эритмада, аммиакда коагуляцияланмайдиган ва уксус кислотасида, турли хил альдегидларда коагуляцияланадиган полимер композицияси олинган;

барқарор қопламали бўёқларнинг коагуляцияланиш ва чоклаш хусусияти пойабзалнинг устки қисми учун чарм тўқимаси ҳамда пўстинбоб қўй тери тўқимаси юза сирт қисмини пардозлаш учун қопламали бўёқ ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги, назарий ва лаборатория тадқиқотларининг ўзаро мос келиши, синовларнинг тавсия қилинган натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қопламали бўёқ компонентлар таркибини аниқланганлиги, бир қатор ижобий хоссалар бериш учун қопламали бўёқ структурасига чок ҳосил қилишга қодир бўлган альдегидли функционал гуруҳлар киритилганлиги, чокланишларни парда шаклланиб бўлганидан сўнг юзага келтирганлиги, қопламанинг термобарқарорлигини оширганлиги, кимёвий модификацияларсиз уларнинг реакцион қобилятининг оширганлиги, минимал қалинликдаги парда ҳосил қилиб юқори адгезияга эришилганлиги, оптик ва электрон микроскопия таҳлил йўли билан уларнинг структурасини ўрганилганлиги, чарм ва мўйна тери тўқимасига яхшилланган физик хоссалар бериш мақсадида қопламага кремнийорганик бирикмалар таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Амалга оширилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан қопламали бўёқларни олиш, улардан чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозлашда фойдаланилганлиги, шунингдек, пойабзалнинг устки қисми учун чарм тўқимаси ҳамда пўстинбоб кўй тери тўқимаси юза сирт қисми учун яхшиланган эксплуатацион хоссаларга эга бўлган чарм ва мўйна тери тўқималарни ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқариш шароитларида казени, чарм чиқиндиларидан олинган коллаген, чокловчи агент сифатида формальдегид ва акрил альдегиди ҳамда бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси сополимер эмульсияси иштирокида ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган шеллак, қон альбумини, №1 ва МБМ-3 акрил эмульсиясига нисбатан яхшиланган хоссаларга эга бўлган қопламали бўёқ композиция тайёрланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қоплама бўяш жараёнида янги бўёвчи полимерли плёнка ҳосил қилувчи таркиблари қўллаб, юқори сифат ва физик-механик кўрсаткичларга эга чарм ва мўйна тери тўқимасининг ишлаб чиқиш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чарм юза сиртига ишлов бериш учун таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 03517, 2007 й.) олинган. Натижада пардозланган чармнинг табиий хусусиятларини нисбаттан сақлаш имкониятини берган;

чармни пардозлаш учун пенетраторга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 04089, 2010 й.) олинган. Натижада чармни пардозловчи юқори сифатли қопламали бўёқ таркибини олиш имконияти яратилган;

чармларни қоплама бўяш жараёнида янги бўёвчи полимерли плёнка ҳосил қилувчи таркиблари «O`zcharmsanoat» уюшмаси таркибидаги «XROMPIK» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида жорий этилган («O`zcharmsanoat» уюшмасининг 28 январь 2021 йил №ФБ-9/264 маълумотномаси). Натижада қопламали бўёқ таркибига чокловчи агентнинг киритилиши эвазига буғ ўтказувчанлиги 7,0 % га камайишига ҳамда қопламали бўёқнинг кўп иарта эгилиб букилишга чидамлилиги 15,0 % ошишига эришилган;

ишлаб чиқилган бўёвчи полимерли плёнка ҳосил қилувчилардан фойдаланиб чармларни қоплама бўяш жараёни «Шоҳайдаров Х.Ш.» хусусий тадбиркорида жорий этилган («O`zcharmsanoat» уюшмасининг 28 январь 2021 йил №ФБ-9/264 маълумотномаси);

чармларни қоплама бўяш жараёнида янги қопламали бўёқ таркиблари «O`zcharmsanoat» уюшмаси таркибидаги «IJOBAT AGRO TERI» шўъба корхонасида жорий этилган («O`zcharmsanoat» уюшмасининг 28 январь 2021 йил №ФБ-9/264 маълумотномаси). Натижада қопламали бўёқ таркибига маҳаллий реагентлар ҳамда чокловчи агентнинг киритилиши эвазига чарм тўқимасининг сифат ва физик-механик кўрсаткичлари ортишига имкон яратилган;

кийим-кечаклар учун пўстинбоп кўй тери тўқимасини қоплама бўяш жараёнида янги қопламали бўёқ таркиблари «O`zcharmsanoat» уюшмаси таркибидаги «Qunduz-A» хусусий корхонасида жорий этилган («O`zcharmsanoat» уюшмасининг 28 январь 2021 йил №ФБ-9/264 маълумотномаси). Натижада қопламали бўёқ композицияси миқдорини 2,9 баробарга қисқариши тери тўқимаси юза сиртига юпқа парда ҳосил қилиб, унинг гигиеник ва адгезион хоссаларини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон (нашр) қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 50 та илмий иш нашр қилинган, шу жумладан, диссертация асосий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилган Республика журналларида 6 та, халқаро журналларда 4 та илмий мақола нашр қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2 та патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тери хом ашёларининг технологик жараёнлари учун қопламали бўёқларнинг олиниши, хоссалари, композицияси ва уларни қўллашнинг истиқболли йўналишлари»** деб номланган биринчи бобида тери хом ашёларининг технологик жараёнлари учун қопламали бўёқлар билан пардозлашнинг замонавий тенденциялари, тери хом ашёларини қайта ишлаш жараёнида қопламали бўяш учун пардозловчи материалларни яратиш усуллари таҳлили, шунингдек, тери хом ашёларини қайта ишлаш жараёнида қопламали бўяш технологиясининг муаммолари ва принципиал имкониятларининг альтернатив усуллари бўйича жаҳонда таниқли олимлар томонидан эълон қилинган илмий-тадқиқот ишлари ва патентлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектлари ва методлари»** деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектларини танлаш ва уларни асослашга бағишланган.

Диссертациянинг «Барқарор қопламалар асосидаги пардозловчиларни олиниши ва хоссалари тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида барқарор қопламаларни олиш ва уларнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларини тадқиқоти, барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчиларнинг структураланишида чокловчи агентларнинг таъсири, пардозловчи полимер-боғловчи материаллар компонентларининг термостабилизацияси, барқарор қопламаларининг хоссасига кремний органик бирикмаларнинг таъсири, ноорганик пигментларнинг чарм ва мўйна тери тўқимасини пардозлаш учун барқарор қопламаларнинг хоссаларига таъсири, барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар структурасининг идентификацияси, қопламали бўёқларнинг адгезион хусусиятлари тадқиқи ҳамда чокланган қопламали бўёқларнинг пленка ҳосил қилиш хоссаси тадқиқ этиш натижалари ёритилган.

Қопламали бўёқларни олиш ва хоссаларини тадқиқ қилишда буюмлардан узоқ муддат фойдаланиш ҳамда адгезион хоссаларини яхшилаш вазифаси ҳал қилинди. Тадқиқ қилинган қопламали бўёқлар пигмент концентрати, казеин, акрил альдегиди ҳамда бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси сополимер эмульсияси (35,37:46,68:17,95 нисбатларда) га эга.

1-жадвалда қопламали бўёқларни олишнинг турли вариантлари келтирилган.

### 1-жадвал

#### Қопламали бўёқларни олишнинг турли варинатлари, оғирлик қисмларда

№	Қопламали бўёқларнинг таркиби	Вариантлар						
		Назорат	Таҷриба					
			1	2	3	4	5	6
1	Пигментли концентрат	7	5	8	10	5	8	10
2	Органик бўёқли	5	3	4	5	3	4	5
3	Казеин 10 % ли	14	-	-	-	20	37	55
4	Шеллак 10 % ли	12	-	-	-	-	-	-
5	Қон (кизил) альбумин 10 % ли	12	-	-	-	-	-	-
6	Коллаген 10 % ли	-	40	45	50	-	-	-
7	Акрил альдегиди	-	-	-	-	5	10	15
8	Формальдегид 40 % ли	-	5	10	15	-	-	-
9	№1 акрил эмульсияси 20 % ли	30	-	-	-	-	-	-
10	МБМ-3 акрил эмульсияси 20 % ли	30	-	-	-	-	-	-
11	Бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси сополимер эмульсияси	-	50	60	70	50	60	70

Маълумки, сақлаш ва фойдаланишда оқсилли парда ҳосил қилувчилар, шунингдек, оқсил гидролизати, шеллак ва казеин гидролиз натижасида деструкцияга мойил бўлиб, бунинг натижасида бактериал жараён содир бўлади. Қопламали бўёқлар турли таркиблари хоссаларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, қопламали бўёқлар таркибига альдегидларнинг киритилиши нохуш бактериал ва деструкция жараёнини бартараф қилишга қулай имконият яратади.

Юқори даражада эластик ёки қовушқоқ ҳолатда бўлган полимерлар дисперсиядан парда ҳосил қилишга қодир бўлиб, парданинг ҳосил бўлиши шишаланиш ҳароратидан юқори бўлмаган ҳароратда кечади. Бу шартга амал қилиниши учун тадқиқотларда шишаланиш ҳароратини сунъий равишда

пасайтириш учун қопламали бўёққа чокловчи агентлар, хусусан, формальдегид ва акрил альдегидларнинг таъсири ўрганилди.

Мазкур диссертация ишида мўътадил паст ҳароратлар ва режимларда кристалланишни таъминлайдиган альдегидларининг нисбатига боғлиқ ҳолда полиакрилатлар, казеин, шунингдек, коллаген асосидаги қопламали бўёқларнинг хусусиятларига таъсир қилиш имконияти тадқиқ қилинган.

Кейинчалик чокловчи агентларига боғлиқ ҳолда қопламали бўёқларнинг хоссалари ўрганилган.

Бунинг учун компонентларни кетма-кет аралаштириш йўли билан сувли фазада қопламали бўёқларнинг 10% ли дисперсиялари олинди. Қопламали бўёқлар қотирилди ва намлик  $43 \pm 2$  % бўлганда шиша тагликларда 25 ва 50 °С ҳароратда шакл берилди.

2-жадвалда чокловчи агентларининг тури ва миқдorigа боғлиқ ҳолда қопламали бўёқлар турли вариантларининг физик-механик хоссалари келтирилган.

## 2-жадвал

### Чокловчи агентларнинг миқдorigа боғлиқ ҳолда қопламали бўёқлар турли усулларининг физик-механик хоссалари


Тажриба вари-антлари	Шароит	Кўрсаткичлар		
	Парда ҳосил бўлиш ҳарорати, °С	Қуйишга қадар полимер пардаларнинг қотиш вақти, сония	Қопламнинг кўп марта букилишга чидамлилиги, букишлар сони	Термомеханик барқарорлик, °С
Назорат	25	1430	810	82
	50	788	7120	97
Тажриба 1	25	1320	940	84
	50	720	8910	100
Тажриба 2	25	1250	1010	86
	50	653	9700	102
Тажриба 3	25	1147	1190	89
	50	538	10900	105
Тажриба 4	25	1073	1350	92
	50	481	11610	107
Тажриба 5	25	1014	1500	95
	50	360	12000	110
Тажриба 6	25	1510	700	80
	50	850	6850	95
Тажриба 7	25	1393	830	82
	50	731	7800	97
Тажриба 8	25	1325	1060	85
	50	677	8540	99
Тажриба 9	25	1259	1230	88
	50	611	9710	102
Тажриба 10	25	1213	1330	91
	50	504	10740	105

Чокловчи агент сифатида формальдегиддан фойдаланилганда, нисбат ва ҳароратдан қатъий назар, олинган парда кам чўзилиши ва гидролизланиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Акрил альдегиддан фойдаланилган намуналар билан солиштирилганда хираланиш (лойқаланиш), шунингдек, маълум даража ҳароратдаги иссиқ сувда пардаларнинг деструкцияси кузатилди.

Олинган натижалар чокловчи агент сифатида акрил альдегидга эга бўлган парда ҳосил қилувчилар формальдегидга нисбатан самаралиги кузатилди. 2-жадвалдан кўришиб турибдики, 7,5 оғирлик бирлигида акрил альдегиднинг оптимал миқдори бўлиб, назорат намунасига нисбатан анча устунлигини кўрсатади.

Дифференциал-термик таҳлил ўта сезгир услуб бўлиб, намунани қиздиришда кечадиган ва иссиқликнинг ажралиши ёки ютилиши билан бирга содир бўладиган ўзгаришларни қайд қилишга имкон беради. Термогравиметрик таҳлил билан биргаликда дифференциал-термик таҳлил услубидан фойдаланиш қопламали бўёқлар деструкцияси жараёнини тадқиқ қилишга имкон берди.

1-расмда назорат намунаси термооксидланиш деструкциясининг умумий ҳолати, шунингдек, чокловчи агентнинг тури ва миқдорини вариациялаб олинган қопламали бўёқлар кўрсатилган.



Намуналар: а–50 °С да назорат усулида; б–25 °С да 1-тажриба усулида; в–50 °С да 10-тажриба усулида; г–50 °С ҳароратда 5-тажриба усулида;

**1-расм. Дифференциал-термик таҳлил–1, ҳосилалар бўйича термогравиметрия–2, термогравиметрия–3 ва ҳарорат–4 эгри чизиқлари**

Кўриб чиқилаётган ҳароратлар диапазонида дифференциал-термик таҳлил эгри чизиқларида барча намуналар учун учта экзотермик чўққиларнинг мавжудлиги кузатилади. Биринчи ҳолатда 50-90 °С соҳадаги қопламали бўёқлар таркибига боғлиқ ҳолда, учувчан бирикмаларнинг (NH<sub>3</sub> эритмаси) учиб кетишига мос келиб, бу ҳарорат интервалида массанинг йўқотилиши 15 % дан 25 % гачани ташкил қилади. 120-160 °С соҳасидаги иккинчи учувчанлиги камроқ моддаларнинг йўқотилишини тавсифлайди.

Учинчи, 300-450 °C соҳасидаги давомийлиги энг узун чўкки ўрганилаётган намуналарнинг кейинги термодеструкциясидан далолат беради.

Қопламали бўёқларни термогравиметрик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики (1-расм), назорат усулидаги чокланган қопламали бўёқлар энг қуйи даражадаги термооксидланиш барқарорлигига эга. Бу намуна учун 500 °C да максимал масса йўқотилиши 60% ни ташкил қилди. Акрил альдегидининг миқдори мўл бўлган ва 50 °C да структураланган намунада максимал масса йўқотилиши энг паст даражада бўлди. Унинг 500 °C да массанинг максимал йўқотилиши қиймати 64% ни ташкил қилди.

Полимернинг макромолекуляр занжирига барқарорлаштиргич молекулаларини киритиш қўшимчанинг текис тақсимланишини, уни қайта ишлаш ва фойдаланишда йўқотишларни бартараф қилишга имкон беради ва шу орқали унинг барқарорлаштирувчи таъсирларини узайтиришга шароит яратади.

Шунга боғлиқ ҳолда, акрил эмульсиясининг термобарқарорлигини тадқиқ қилиш катта қизиқиш уйғотди. Улар чармни пардозлаш жараёнида кенг қўлланилганлиги сабабли барқарорлаштирувчи сифатида радикал инициаторлар иштирокида синтез қилинган 6-хлор, 2-оксо, 3-бензоксазолилметилметакрилат мономерини билан тадқиқотлар олиб борилди.

Берилган ҳароратда бошланғич акрил эмульсияси ва 6-С1, БОММА билан барқарорлаштирилган акрил эмульсиясининг ички молекуляр парчаланишини таҳлил қилиш вақт бўйича масса йўқотилиши тезлигининг доимий камайиши билан кечади, бунда полимерлар деструкциясининг энг юқори тезлиги жараённинг бошланғич босқичида намоён бўлади ва у сезиларсиз ўзгаради.

3-жадвалда қиздириш тезлиги 5 °C/дақ. бўлганда барқарорлаштирилган акрил эмульсияси пардалари намуналарининг ҳавода термооксидланиб деструкцияланиши параметрлари келтирилган.

### 3 -жадвал

#### Кимёвий барқарорлаштирилган акрил эмульсияси парда намуналарининг ҳавода термооксидланиш деструкция энергияси параметрлари

№	Полимерларнинг номланиши	Физик-кимёвий кўрсаткичлар					
		Барқарорлаштиргич миқдори, масс.%	Парчаланиш бошлангич диган ҳарорат, °C	Масса йўқотилиши максимал тезлиги ҳарорати, °C	310 °C да максимал масса йўқотилиши, %	Термооксидланиш деструкция энергияси. КДж/моль	Қовуш-қокликнинг сақланиш даражаси, %
1	Барқарорлаштирилмаган дастлабки акрил эмульсияси	-	210	310	97	190±1,2	84,51
2	6-С1, БОММА билан барқарорлаштирилган акрил эмульсияси	0,5	240	330	86	194±1,3	86,07
		1,0	270	350	75	211±1,2	80,26
		2,0	290	370	18	239±2,1	75,14
		3,0	310	380	12	242±1,3	71,82
		4,0	340	390	8	244±2,1	69,44

3-жадвалдан кўриниб турибдики, термооксидланиб деструкцияланиш фаоллашувининг энергияси қиймати, барқарорлаштирилмаган намуналарга

нисбатан, барқарорлаштирилган акрил эмульсиясида юқори.

Эҳтимол бу сополимерларнинг ҳосил бўлиш жараёнида занжир бериш актларида мономер-барқарорлаштиргич молекулалари томонидан полимернинг ён гуруҳларининг блокланиши билан боғлиқ бўлса керак. Шунинг учун деструкцияланишнинг биринчи босқичида (195 °С) полимерларнинг юқори даражада барқарорлиги сополимерланишда микрорадикалларнинг узилиши ҳисобига шаклланадиган барқарор ён гуруҳларининг мавжудлиги билан изоҳланади. 195 °С дан юқори ҳароратда, ён гуруҳларининг табиати аҳамият касб этмаганида, парчаланишни келтириб чиқариш ҳолат қонуни бўйича содир бўлади, яъни барча барқарорлаштирилган сополимерларнинг деструкцияланиши тезлигида сезиларли фарқ кузатилмайди.

Қоплама композициялар таркиблари 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

### Қопламали бўёқларнинг назорат ва синов вариантларини тайёрлаш таркиблари, оғирлик қисмларда

Компонентлар номи	Вариантлар							
	Назорат	Тажриба						
	1	2	3	4	5	6	7	8
Пигмент концентрати: -нигрозинли	80	80	80	80	80	80	80	80
-сажали	20	20	20	20	20	20	20	20
Казеин 10% ли	50	50	50	50	50	50	50	50
Шеллак 10% ли	50	50	50	50	50	50	50	50
Акрил эмульсияси №1 20% ли	100	-	-	-	-	-	-	-
6-С1, БОММА билан барқарорлаштирилган №1 акрил эмульсияси 20% ли	-	50	70	80	90	100	120	130
Воскли эмульсия 20%-ли	10	10	10	10	10	10	10	10
МХ-30 дисперсияси 20% ли	100	100	100	100	100	100	100	100
ДММА-65 ГП латекси 20% ли	100	100	100	100	100	100	100	100
Сув	160	160	160	160	160	160	160	160

Чарм тери тўқималарнинг назорат ва тажриба композициялари билан қоплама бўйшдан кейин тайёр чармларнинг физик-механик хоссалари ўрганилди. Тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

### Қопламали бўёқларнинг назора ва тажриба варинатлари билан қопланган чармларнинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Усуллар								ДС бўйича синов услублари	Меъёрлар
	Назорат	Тажриба								
	1	2	3	4	5	6	7	8		
Чўзилишда мустаҳкамлик чегараси, 9,8 МПа	16,8	16,2	17,8	18,3	18,9	18,9	18,9	19,0	938.11	10 дан кам эмас
9,8 Мпа кучланишда чўзилиши, %	24,6	24,0	24,5	25,3	26,2	26,2	26,3	26,3	938.11	20-40
Юза қатламида ёрилиш пайдо бўлгандаги кучланиш, 9,8 МПа	32,4	32,2	32,6	33,3	40,0	40,0	40,1	40,1	938.11	10 дан кам эмас
Буг ўтказувчанлик, %	56,4	55,3	55,7	56,9	61,1	61,9	62,0	62,0	938.17	20-70
Гигротемик барқарорлик, %	105,0	104,3	105,2	106,1	106,4	106,5	106,6	106,6	938-28	70 дан кам эмас
Қопламнинг нам ишқаланиш-га чидамлилиги, айланишлар	82,4	81,9	82,6	83,9	84,8	84,8	84,9	84,9	13869	50 дан кам эмас
Қопламнинг кўп марта букилишга чидамлилиги, балл	3,0	3,0	3,0	5,0	5,0	5,0	5,0	5,0	13868	2 дан кам эмас
Сув ўтказувчанлик, мл/см <sup>2</sup> ·ч	5,42	5,18	4,15	3,28	3,76	3,78	3,82	3,84	1821	10 дан кўп эмас




Чарм ва мўйна тери тўқимаси сифатига сезиларли таъсир этувчи турли пардозловчи қопламалар ҳам мавжуд.

Қопламали бўёқлар билан ишлов берилган пойабзал устки қисми учун хромли ошланган чармларнинг тери тўқимаси юза сирт қисми доимо ҳам сув ва ҳароратга барқарор бўлмайди. Шу сабабли кремний органик бирикмалар билан қопламали бўёқларни гидрофоблаш ҳисобига сувга ва ҳароратга барқарорлигини ошириш истиқболлидир. Шунинг учун, ушбу ишда пойабзал устки қисми учун хромли ошланган чармларнинг тери тўқимаси полиакрилатли ва полиакрилатли-коллагенли қопламалар хоссасига бир қатор кремний органик бирикмалар таъсири тадқиқ этилган.

Тадқиқотда этилгидросилоксан полимери ёки ГКЖ-94 кремний органик бирикмаларининг эмульсияси (этилдихлорсиланнинг гидролиз маҳсулоти) ишлатилди.

2-расмда эмульсион полиакрилат пардалари таркибидаги гидрофобизаторлар таъсирида хоссаларининг ўзгариш тадқиқот натижалари келтирилган.



Қопламали бўёқ массасига нисбатан ГКЖ-94 миқдори, % да

1-полиакрилат №1; 2-полиакрилат А эмульсияси;

**2-расм. Қопламали парда таркибида ГКЖ-94 кремнийорганик гидрофобизатор эмульсияси миқдори ортиши билан сувни адсорбциялаш даражасининг ўзгариш натижалари**

№1 полиакрилат эмульсиясидан ҳосил қилинган пардаларга нисбатан ГКЖ-94 маркали кремнийорганик гидрофобизатор эмульсияси миқдори қопламали парда таркибида ортиши билан сувда бўқиш даражасини камайиши аниқланди (2-расм).

Ишда баъзи ноорганик пигментлар-жигарранг– қизил темир оксиди пигменти 110, сариқ-ўртача сариқ крон, кўк – ультрамарин 463, қора – П-803 техник углероди ноорганик пигментларининг бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси сополимер эмульсияси асосидаги қопламаларнинг хоссаларига таъсири ўрганилди.

Қоплама бўяш технологиясига мувофиқликда чарм ва мўйна ярим тайёр маҳсулоти тери тўқимасига гидрофоблаштирувчи агент сифатида полигидросилоксан - ГКЖ-94 қўшилган ҳолда рН = 7,0-8,0 гача аммиак

Қоплама қатламида ГКЖ-94 эмульсияси миқдори ошгани сайин буғ ўтказувчанлигининг ортиши кузатилди, бу эса кремний органик бирикмалар киритилиши билан қопламали парданинг шаклланиши кескин ўзгариб боришини кўрсатди. Масалан, полиакрилат № 1 10% сув эмульсияси ва 50% эмульсия ГКЖ-94 3:1 ва 6:1 нисбатларда қўлланилганида, мос равишда буғ ўтказувчанлик 34 ва 31 % ва назорат намуналарида 29,7% ни ташкил этади.

Полиакрилат №1 эмульсияси асосидаги композициядан парда ҳосил бўлиб, шишаланишда

билан нейтраллаштирилган бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотасининг сополимер эмульсияси асосидаги қоплам суртилиб ётқазилади.

Қопламали бўёқ композиция компонентларининг нисбати плёнка ҳосил қилувчининг қуруқ қолдиғи ва қоплама концентратда пигмент миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланди. Қоплама таркибларда пигментлар концентрацияси полимернинг масса улушига нисбатан 5, 6, 7, 8, 9, 10 масс. қисмларни ташкил этди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Қоплама солиштирма қалинлигининг қопламали бўёқ таркибидаги пигмент миқдorigа боғлиқлиги

Пигментнинг миқдори, масс. қисм	Қопламнинг қалинлиги, мкм			
	П-803 техник углероди	Қизил темир оксиди 110	Ўртача сариқ крон	Ультрамарин 463
5	11,50	12,85	12,97	19,78
6	14,71	15,18	18,03	21,51
7	15,46	15,84	19,60	24,89
8	15,63	16,64	20,69	25,98
9	16,41	18,51	21,96	26,39
10	17,82	22,55	27,06	27,28

Синалаётган пигментлар улар эмульсион тизимнинг қовушқоқлигига таъсири интенсивлиги бўйича қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилиши мумкин: П-803 техник углероди, қизил темир оксиди 110, ўртача сариқ крон, ультрамарин 463. Сажанинг кучли даражадаги қуюқлаштирувчи таъсири шу билан боғлиқки, сажа яхши тўлдирувчи ҳам ҳисобланади. Бунда пигмент концентрациясининг ортиши билан полимер структуранинг тўлиши ҳам ортади, бу қоплама композициянинг қовушқоқлигини оширади.

Қоплама қалинлигининг оширилиши қопламнинг таранг-эластиклик хоссаларини, унинг совуққа чидамлилигини пасайтиради, ярим тайёр маҳсулотнинг массаси эса ортади. П-803 техник углероди ва қизил темир оксиди 110 каби пигментларни қўллаш (пигментнинг масса улуши 7-10 масс. қисм бўлганда) қопламларнинг қалинлиги минимал бўлишини таъминлайди.

Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, полимернинг масса улушига нисбатан 9-10 масс. қисм нисбатда П-803 техник углероди ва қизил темир оксиди 110 даги жигарранг казеинли пигментли концентратлардан фойдаланиш тайёрланадиган чарм ва мўйнабоп ҳамда пўстинбоп қўй тери тўқима ярим тайёр маҳсулотининг юқори даражадаги фойдаланиш хусусиятларини таъминлайди. Мазкур пигментлар чарм ва мўйнабоп ҳамда пўстинбоп қўй териси тўқималарини қоплама бўяш технологиясини амалга оширишда композиция таркибига киритиш учун тавсия қилинади.

Бошланғич коллаген ва қопламали бўёқлар билан ишлов берилган коллаген эритмаларининг 10 % и ва  $4000-500 \text{ см}^{-1}$  тўлқин соҳасида қопламали бўёқлар ИҚ-спектроскопик тадқиқот натижалари қуйида келтирилган.

Акрил эмульсиясининг  $\text{C}=\text{O}$  гуруҳига тааллуқли бўлган  $1732 \text{ см}^{-1}$  интенсив ютилиш чизиғи (валент тебраниши  $\text{C}=\text{O}$ ) жуда аниқ ифодага эга ва  $1456 \text{ см}^{-1}$  – валент тебранишлари –  $\text{R}-\text{CH}_3$  ва деформацион тебранишлар –

$\text{CH}_2$  1240-1210  $\text{cm}^{-1}$  интервалда суст ютилишга эга, бу деформацион ҳам валент тебранишлар (C-C, C-O-C, C-OH, R-OH, R- $\text{CH}_2$ , C=C) бутун гуруҳи тўплами билан боғлиқ.

Шубхасиз, C-O валент тебраниши билан боғлиқ бўлган 1116  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш чизигини интерпретация қилиш мумкин. Қисқа тўлқин қийматлари 1880-600  $\text{cm}^{-1}$  соҳасида  $\text{CH}$ ,  $\text{CH}_2$  гуруҳлар деформацион тебранишининг турли хиллари билан боғлиқ бўлган бир нечта суст ютилишлар 837, 833, 740  $\text{cm}^{-1}$  ораликларида кузатилади. 630  $\text{cm}^{-1}$  да суст интенсивликдаги соҳани ҳам кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар структурасининг тадқиқ этиш натижалари асосида хулоса чиқариш мумкинки, ИҚ-спектроскопик таҳлиллар бўёқли полимер парда ҳосил қилувчилар муайян даражада коллаген билан ўзаро кимёвий таъсирлашувга мойил, бу эса чарм ва мўйна тери тўқималарини қоплама бўяш учун бу маҳсулотлардан бевосита кенг фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг ҳолатда адгезиянинг бир нечта маълум назариялари (механик, адсорбцион, диффузион, электрик, электрорелаксацион) орасида адсорбцион назарияга устуворлик мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишнинг кейинги босқичида қопламали бўёқ кимёвий табиатининг чарм ва мўйна тери тўқима қопламасининг бензинга барқарорлиги таъсири аниқланган ва натижалари 7-жадвалда келтирилган.

#### 7-жадвал

### 50 °C да олинган қопламали бўёқлар назорат ва тажриба вариантларининг адгезион кўрсаткичлари

Вариантлар	Намунанинг 2 соатда бензинда бўқиш катталиги, %	Сув адсорбцияси, мл	Адгезия, Н/м		
			бензинда	курук ҳолатда	
Назорат	81	0,30	534	2105	
Тажриба	1	76	0,30	565	2150
	2	63	0,35	604	2235
	3	48	0,39	681	2340
	4	26	0,43	778	2445
	5	12	0,46	802	2560
	6	84	0,28	492	2095
	7	69	0,30	574	2150
	8	51	0,34	637	2225
	9	34	0,37	712	2300
	10	18	0,40	781	2490

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, тажриба қопламлари, назорат қопламларига нисбатан, юқорироқ даражада бензинга чидамлилиқка эга. Кўриниб турибдики, синов қопламанинг бензинга чидамлироқ бўлиши тажовузкор муҳитнинг қопламга камроқ даражада кириши билан боғлиқ. Буни тажовузкор муҳитнинг полимер қопламга таъсири механизмидан келиб чиқиб тушунтириш мумкин.

Чарм ва мўйна тери тўқималарини қоплама бўяшда янги қопламали бўёқлардан фойдаланишда унинг плёнка ҳосил қилиш хусусиятини англамоқ керак. Чармларни қоплама бўяш учун плёнка ҳосил қилувчи сифатида 30% метилметакрилат ва 70% метилакрилатдан ташкил топувчи бўёвчи полимерлар асосидаги композициядан фойдаланишда хона ҳароратида

қуритишда яхлит плёнка ҳосил бўлмайди. Агар метилакрилат худди шу нисбатда А-акрил эмульсиясига эга модификацияланган коллаген билан алмаштирилса, композициядан мустақкам эластик плёнка олиш мумкин.

Тадқиқотлардан аниқланган қопламали бўёқларнинг кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари 8-жадвалда келтирилган.

### 8-жадвал

#### Қопламали бўёқлар назорат ва тажриба намуналарининг кимёвий, физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Вариантлар						
	Назорат	Синов					
		1	2	3	4	5	
Микдор, %	- куруқ қолдик	19,24	19,27	19,30	19,31	19,31	19,32
	- кул	1,60	1,49	1,54	1,57	1,58	1,59
	- ёғ	3,24	3,09	3,12	3,14	3,15	3,16
Беркитувчанлик, г/м <sup>2</sup>		74	51	54	56	59	62
Эластиклик модули, 9,8МПа		1,65	1,51	1,67	1,84	1,91	2,1
Узилишдаги чўзилиши, %		65,3	65,4	66,2	66,8	67,3	67,8
10 мл бўёқда электролитларга чидамлик:	0,3 мл NaCl тўйинган эритма	коагуляцияламайди					
	0,3 мл (NH <sub>4</sub> )OH-25%	коагуляцияламайди					
	0,3 мл CH <sub>3</sub> COOH-72%	коагуляциялайди					

Олинган маълумотларга мувофиқ (8-жадвал), оз микдордаги кул ва ёғ микдорининг ортиши билан беркитувчанлик камаёди, куруқ қолдик эса ошади, бу ҳолатни синтетик ва табиий бирикмалар компонентлари орасидаги функционал-фаол гуруҳларнинг кимёвий таъсирланиши билан тушунтириш мумкин. Олинган плёнкаларда узилишда чўзилиш ўртача 19,1% га ошди, эластиклик модули анча сезиларли тарзда, 18,4% га ортди ва хоссалари сезиларли тарзда ўзгарди.


Қоплама плёнкалари зарраларининг юқори зичликда бирикиши ва плёнка ҳосил бўлиш ҳароратининг ортиши қопламаларда ишлатиладиган полимерлар аутогезиясининг кучайиши билан тушунтирилиб, бу ҳолат тадқиқ қилинаётган плёнкаларда эластиклик модулининг ортиши ( $\approx 118$  % га) ва узилишда чўзилишининг ортиши ( $\approx 103$  % га) яққол мисол бўла олади.

Диссертациянинг «**Барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар билан қопламали бўялган чарм ва мўйна тери тўқималарининг хоссаларини тадқиқоти**» деб номланган тўртинчи бобида тери тўқимасида барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчиларнинг структура ҳосил қилиши, барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар билан қопламали бўялган тери тўқималарнинг гигиеник хоссалари, пардозлаш операцияларини амалга оширишда сирт юзасининг сифатини яхшилаш учун чарм ва мўйна тери тўқима ағдарма юзасини лазерли модификациялаш, барқарор қопламали бўёқлар адгезияси ва унинг термомеханик барқарорлигини статистик ишловлар асосида назарий тадқиқот натижалари ёритилган.


Қопламанинг таркиби ва плёнка ҳосил бўлиш жараёни ҳароратининг эркин шаклланган плёнкалар ғоваклиги ва морфологик хусусиятларига таъсири ўрганилди.

Чарм ва мўйна тери тўқимаси структурасида полимернинг чўкиб жойлашини тадқиқ қилиш услубиёт бўйича электрон-растр микроскопда амалга оширилади.

Тажриба чарм ва мўйна тери тўқималари сирт юзасида, структура элементлари юпқа бўлгани учун, ғуддали қаватнинг чуқурроқ зоналарига нисбатан, қопламали бўёқлар кўпроқ миқдорда ўтириб қолган. Сирт қатламининг мустаҳкамланиши қопламали бўёқларни суртишда структурасининг зичлашуви ҳамда полимер толаларининг қобиклаб, мустаҳкамлаши билан боғлиқ.



*a*



*б*


*600 марта катталаштирилган. 1 см да 20 мкм.*

**3-расм. Қопламали бўёқлар билан ишлов берилган назорат (а) ва тажриба (б) чарм ва мўйна тери тўқималари структураси якка фибрилляр толасининг электрон микрофотосуратлари**

3-а расмда ишлов беришдан олдин ғуддали қаватнинг остки қисмидан ажралиб олинган якка фибрилляр толанинг микрофотосурати, 3-б расмда қопламали бўёқ билан ишлов беришдан сўнг худди шу намуна қўшни ён майдонидан олинган фибриллнинг микрофотосурати келтирилган. Суратларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, тажриба чарм ва мўйна тери тўқималари коллаген толалари юза мембранасининг сиртига зич ётадиган плёнкасимон полимер-боғловчи қобикқа эга бўлади. Қопламали бўёқ билан адсорбцияланган фибрилла қўшни структурали ўрамларга нисбатан оз даражада кўзгалувчан ҳамда назорат чарм ва мўйна тери тўқимасидаги толаларга нисбатан мустаҳкам. Толаланинг марказий қисмида (3-б расм) анча катта ўлчамли ячейкалар ҳам сезилиб туради. Тафаккур қилиш мумкинки, қопламали бўёқ шу ячейкалар орқали толалар орасида диффузияланади. Чарм ва мўйна тери тўқимаси толалари тутамлари гетероструктурали ўралган, уларнинг орасида ячейкалараро фазалар ҳам кузатилиб, уларда фибриллалараро масофа 0,1 мкм дан ортади. Шунинг учун дисперсион муҳитда катталиги 0,1 мкм дан камроқ бўлган полимер микрорралари чарм ва мўйна тери тўқимасининг макроструктура элементларини локаллаштиради. Чарм ва мўйна тери тўқима макроструктурасида толаларнинг ячейкалараро фазасида қопламали бўёқнинг бундай юпқа нозик варвон диффузион тақсимланиши полимер молекулаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Мўйна тери тўқима ағдарма юзасининг морфологиясини тадқиқ қилиш Oxford Instruments (Буюк Британия) фирмасининг микроанализатор тизимига эга MIRA-3 (Чехия) растрли электрон микроскопидан фойдаланиб амалга оширилди. Шунингдек, мўйна тери тўқимаси ҳам тадқиқ қилинди. Мўйна тери тўқимаси намунасининг қалинлиги 1,2 мм ни ташкил қилади.




4-расмда мўйна тери тўқимасининг микрофотография лазерли нурланишга қадар бўлган структураси келтирилган.



**4-расм. Мўйна тери тўқимасининг лазерли таъсиргача бўлган структура микрофотографияси**

Микрофотографиядан яққол кўришиб турибдики, дерманинг структураси зич, коллаген толалар бир-бирига зич жипислашиб туради. Бундан ташқари ғовакликлар ўлчами 20 дан 70 мкм гача чегарада ўзгаради.

5-расмда лазерли таъсирдан кейин мўйна тери тўқимаси ағдарма юзасининг морфологияси турлича катталаштирилган ҳолда тақдим қилинган.




**5-расм. Мўйна тери тўқимаси ағдарма юзасининг лазерли таъсирдан ( $t=40$  с;  $E=40$  Дж) кейинги структура микрофотографияси**

5-расмдги микрофотографиялардан аён бўлдики, лазерли таъсирдан кейин коллаген тутамлари структура элементларининг ўзгариши ҳамда структуранинг юмшаши содир бўлади, юзанинг рельефи ўзгаради, силлиқланади.

Шунингдек, 5-расмдан келиб чиқадики, яқка коллаген толасининг қалинлиги 2,5 дан 5 мкм гача ўзгаради.

Лазерли ишлов беришгача ва ишлов беришдан сўнг мўйна тери тўқимасининг структурасини солиштирма таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ишлов бериш коллаген толаси тутамларининг ажралишига ва микроструктуранинг ўзгаришига олиб келади ҳамда фибрилларо кучсиз водород боғларнинг узилиши билан изоҳланиб, бу ҳолат тери тўқимасини кейинги қопламали бўяшда эркин радикалларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига кимёвий фаолликнинг ортишига хизмат қилади (6-расм).

Бундан ташқари, лазерли сайқаллаш жараёнида мўйна тери тўқимасининг тозаланиши содир бўлади, бу чармни кейинги қоплама бўяшда адгезиянинг яхшиланишига хизмат қилди.




**6–расм. Лазерли таъсиргача (а) ва таъсирдан сўнг (б) мўйна тери тўқимаси намунасининг ЭПР сигнали ( $t=40$  с;  $E=40$  Дж)**

Чарм ва мўйна тери тўқимасини пардозлаш учун қўлланадиган қопламлар плёнка ҳосил қилувчининг тури билан аниқланиб, нитроцеллюлозали, акрилатли, оксилли, полимеризацион (эмульсион ёки латексли) 4 та гуруҳга бўлинади. Айниқса, плёнка ҳосил қилувчилардан бирортаси якка ҳолатда қўлланилмайди. Сабаби, уларнинг ҳар бири ижобий хусусиятлар билан бир қаторда бир қанча камчиликларга ҳам эга бўлиб, улар фойдали хоссаларнинг тўлиқ мажмуасига эга бўлган қопламни яратишга имкон бермайди.

Қоплама композицияларни олиш ва хоссаларини тадқиқ қилишда маҳсулотлардан узоқ вақт фойдаланишда адгезион хоссаларни яхшилаш вазифаси ҳал қилинди. Тадқиқ қилинган қоплама композициялар пигментли концентрат, казеин, акрил альдегид, бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси (35,37:46,68:17,95 нисбатда) сополимер эмульсиясига эга.

7-расмда лазерли таъсир ва қоплама бўяшдан кейин мўйна тери тўқимаси ағдарма юзаси микрофотографияларининг морфологияси келтирилган.



**7–расм. Лазерли таъсир (а) ва қоплама бўяшдан кейин (б) мўйна тери тўқимасининг морфология микрофотографияси**



7-расмдан кўриниб турибдики, мўйна тери тўқимасини қоплаб бўяш уни безайди ва кўринишини ижобий ўзгартиради. Бўяш жараёнида фибриллар елимланади, тутамларнинг ўлчами 12 дан 40 мкм гача ўзгаради.

Таъсир эттирилган 5-40 Дж ва давомийлиги 5-40 сония бўлганида мўйна тери тўқимаси намунасининг ағдарма юзаси тўлқин узунлиги 1064 нм бўлган икки импульсли режимда генерацияловчи лазер ёрдамида модификация қилинди ва кейин қопламали бўялди. Лазер билан ишлов бериш мўйна тери тўқимаси ағдарма юзасининг структурасини ўзгартиради, коллаген толалар тутамларининг ажралиши содир бўлади, структура юмшоқ бўлади, бу эса қопламали бўёқ реагентларининг адгезиясини оширади ва натижада кимёвий модификациясиз уларнинг реакцион хусусиятининг ортиши содир бўлади.


Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номалум бўлганда, одатда жавоб функциясининг кўпхад билан регрессия тенгламаси кўринишида ифодалаш мумкин 
$$y = b_0 + \sum_{i=1}^k b_i x_i + \sum_{i=1}^k b_{ii} x_i^2 + \sum_{i<j}^k b_{ij} x_i x_j + \sum_{i<j<l}^k b_{ijl} x_i x_j x_l$$

Фракциялар учун регрессия тенгламасини тузамиз. Дастлаб иккита сатхли ( $k = 2$ ), уч омилли тажриба режасини тузамиз, бунда биринчи омил  $X_1$  эмульсия миқдори ҳисобланади, иккинчиси  $X_2$  кодли чокловчи агент миқдори, учинчиси  $X_3$  кодли плёнка ҳосил бўлиш ҳарорати бўлиб иккита параллел тажрибалардир.

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун жавоблар бўйича ҳар бир функция учун иккита сатхли ( $k = 2$ ) уч омилли тажрибанинг матрицаси тузилди.  $\bar{y}_{ui}$ , ва  $\bar{z}_{ui}$  орқали  $m$  параллел тажрибаларда олинган, ҳар бири  $n$  тажрибада аниқланган барқарор қопламали бўёқлар адгезияси ва унинг термомеханик барқарорлиги бўйича вариация коэффиценти учун тегишли жавоблар қийматлари белгиланди. Шундай қилиб  $\bar{y}_{ul} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n y_{ul}$ , ( $l = 1, 2, \dots, m$ ) иккита тажрибани ўтказишда кўриб чиқилди. Ҳар бир вариантда тўпламлар сони  $N_2 = N = 8$  да  $m = 2$  деб таъминлаймиз.

Регрессия тенгламасида юқоридаги тенгсизликка кўра  $b_1$ ,  $b_{12}$ ,  $b_{13}$  ва  $b_{123}$  коэффицентлар аҳамиятсиз ҳисобланади, бу коэффицентларсиз регрессия тенгламасини ёзамиз: 
$$\bar{y} = 2316,562500 + 59,8125000 X_2 + 107,0625000 X_3$$

Моделни регрессия тенгламасида аҳамиятсиз коэффицентлар иштирок этмаганда адвекватлигини баҳолаймиз.



**8-расм. Учинчи омил  $X_3$  (плёнкани ҳосил бўлиш ҳарорати)нинг чиқиш параметри  $y = u_0$ нинг ҳар хил қийматларида иккинчи омил  $X_2$  (чокловчи агент миқдори) билан боғлиқлик графиклари**



Демак, статистик ишлов натижалари асосида қўйидаги хулосалар этиш мумкин. Регрессия тенгламаси таҳлилидан қопламали бўёқ адгезиясига эмульсия миқдорининг вазн қисми ва кириш омиллар биргаликда деярли таъсир этмаслигини кўрсатапти. Унинг танланган интервалида плёнкани ҳосил этадиган ҳарорат (учинчи омил) билан чокловчи агент миқдори (иккинчи омил) орасида чизиқли боғланиш мавжудлиги кузатилган. Бу ҳол амалда бўёқ адгезиясини таъминлашда кўрсатилган икки омил асос қилиниши лозимлигини кўрастади. Бундан ташқари регрессия тенгламаси агар бўёқ адгезияси танланган бўлса, ҳароратниг ҳар бир қийматида чокловчи агентнинг миқдори регрессион боғланишдан аниқлаш зарурлигини белгилайди.

Диссертациянинг «**Барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар билан чарм ва мўйна тери тўқимасини пардозлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари**» деб номланган бешинчи бобида барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар билан чарм тери тўқималарини пардозлаш технологияси, чарм ва мўйна тери тўқималарининг барқарор қопламалар асосида олинган пардозловчилар билан пардозлашнинг оптимал технологиясини яратиш ва тери тўқимасини пардозлаш жараёнида қопламали бўёқ композицияни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш имкониятлари ўрганилган.


Чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозлаш технологик жараёнларида умумқабул қилинган технология бир нечта мураккаб ва оралик операцияларни кўзда тутиб, улар баъзи ташкилий-технологик муаммоларни юзага келтиради.

9-расмда янги қопламали бўёқлар билан чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўяшнинг мавжуд (а) ва ишлаб чиқилган ихчам (компакт) технологияси (б) принципиал технологик схемаси келтирилган.

9-расмдан кўриниб турибдики, чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозлашнинг мавжуд технологияси қуйидагилардан ташкил топади: 2-3 марта шимдирувчи грунт қоплаш, 3-4 марта пигментланмаган грунт қоплаш, пресслаш, чўзиш-юмшатиш ускунасида чўзиш, 2-3 марта пигментланган грунт қоплаш ва чарм ва мўйна тери тўқимани сирт юзасига 4-5 марта композиция қоплаб қоплама бўяш, қуритиш ва гидромерейли прессларида пресслаш. Қоплама бўёқни мустаҳкамлаш учун махсус нироэмаллар билан охирги қоплаш амалга оширилади.

Қоплама бўяшнинг мавжуд анъанавий технологияси технологик жараёнларнинг давомийлиги билан характерланиб, бу ҳолат пардозловчи кимёвий воситаларни жуда кўп марта (4-6 мартагача) қоплаш билан амалга оширилади. Пардозловчи қоплама қалин ва камроқ даражада ҳаво ўтказувчан бўлиб қолади, бу чарм ва мўйна тери тўқимасининг физик-кимёвий ва гигиеник хоссаларини ёмонлаштиради.

Таклиф қилинган, янги қопламали бўёқларга асосланган чарм ва мўйна тери тўқималарни пардозлашнинг унификацияланган ихчам технологияси



**9-расм. Чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўяшнинг амалдаги (а) ва ишлаб чиқилган ихчам технологияси (б) нинг принципал технологик схемаси**

тежамкор ва шу билан бир вақтда чарм тери тўқиманинг яхши сифатини таъминлайди.

Қоплама бўёқлар таркибига кирувчи плёнка ҳосил қилувчи таркибий қисмлар – акрил кислотаси полимерлари термопластик гуруҳга тааллуқли ҳисобланади, шунинг учун фақат маълум ҳарорат интервалидагина ҳосил бўладиган плёнкаларнинг эластиклик хоссалари сақланиб қолади, яъни, ҳарорат паст бўлганда плёнкаларнинг эластиклиги кескин пасайиб кетади, юқори бўлганда плёнкалар юмшади, ёпишқоқ бўлиб қолади.


Янги қопламали бўёқ ингредиентлар асосида қоплама бўёқнинг ишчи эритмасини тайёрлаш учун пигментли концентрат ва органик бўёвчи 3 суткадан кам бўлмаган вақт давомида шарли тегирмонда–1 ализарин мойи

муҳитида майдаланди (10-расм), гомогенлаштиришдан сўнг концентрат бўёқ майдалагич –2 қўйилди ва у ерга пенетратор, воск эмульсияси қўшилиб, 4-6 соат давомида айлантиришга қўйилди. Ҳосил бўлган консистенция филтрланниб, 3–аралаштиргичга кўчирилди ва рецептурага (1-жадвал) мувофиқ ҳисобланган миқдорда ингредиентларнинг бошқа таркибий қисмлари кетма-кетликда қўшилди. Композиция 8-10 соат давомида хона ҳароратида аралаштирилди. Тайёр қопламали бўёқ зарурий зичликкача сув конденсати билан суюлтирилди ва қоплама бўёш агрегатига–4 берилди, у ерда бевосита технологик қоплама бўёш амалга оширилди.

- Казеин
- Воскли эмульсия
- МБМ-3 акрил эмульсияси

- Акрил альдегиди
- Формальдегид
- Пенетратор

- Пигмент концентрати
- Бўёқ
- Ализарин мойи



1-шарли тегирмон; 2–бўёқ майдалагич; 3–аралаштиргич; 4–қоплама бўёқни сепиш агрегати; 5–туннелли киришли қуритгич; 6-гидромереяли пресс;

**10-расм. Чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўёшнинг ихчам технологик схемаси**

Чарм ва мўйна тери тўқималарни ихчам қопламали бўёш технологияси қуйидаги тарзда амалга оширилди: табиий сирт юзасига эга бўлган тери тўқималарни пардозлаш учун қоплама бўёш мақсадига мўлжалланган

қопламали бўёқдан фойдаланилди, унга мувофиқ масса қисм: казеин – 37,5; акрил альдегиди – 12,5; бутилакрилат, метилметакрилат ва акрил кислотаси эмульсион сополимери – 65; пигментли концентрат – 7,5; органик бўёвчи – 4 ва сув  $г/см^3$  – 1,06-1,08 зичликкача (1-жадвал) тайёрланади.

Қоплама бўяш учун қопламали бўёқларни суртиш ротацион-сепиш агрегатида 3-4 марта амалга оширилди (10-расм). Композиция сарфи  $150 \pm 10 г/м^2$  ни ташкил этди. Назорат вариантыдаги қопламали бўёқлар билан қопланган тайёр тери тўқималарнинг кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари натижалари 9-жадвалда келтирилган.

### 9-жадвал

#### Қопламали бўёқлар билан қопланган тайёр чарм тери тўқимаси назорат ва синов намуналарининг кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Вариантлар						ГОСТ 29277-93	
	Назорат	Синов						
		1	2	3	4	5		
Микдори, %	-намлик	13,06	12,81	12,90	13,10	13,02	13,01	12,0-17,6
	-ёғ	3,53	3,27	3,30	3,32	3,42	3,50	3,1-4,4
Сув ўтказувчанлик, %		51,50	50,31	50,03	48,60	43,93	43,12	кўпи билан 65,0
Бўғ ўтказувчанлик, %		47,84	46,16	46,42	48,45	34,24	34,04	кўпи билан 53,0
Чўзилишда мустаҳкамлик чегараси, 9,8 МПа		2,94	2,91	2,94	2,94	2,96	2,99	камида 2,0
Қопламнинг нам ишқаланишга чидамлиги, айланишлар		64,62	64,12	64,91	65,88	66,81	67,53	камида 50,0
Қопламнинг кўп марта букилишга чидамлиги, балл		3,0	3,0	4,0	4,0	5,0	5,0	камида 2,0

Чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўяшнинг ихчам технологиясини амалга ошириш учун МАП агрегатидан, сепиш ва кейинги қуритиш услубидан фойдаланилди. Ишлов берилган чарм ва мўйна тери тўқима конвейер ёрдамида 4 филтр орқали аспирацион қурилма билан жиҳозланган сепиш камерасига узатилди. Ротацион типдаги агрегатнинг сепиш қурилмаси сепилувчи қопламали бўёқ аралашма билан айланма ҳаракатни амалга оширди.

Кейин қопламали бўёқлар билан қопланган чарм ва мўйна тери тўқимаси конвейерлар билан 5 туннелли қуритиш камерасига берилди. Қуритишдан сўнг тажриба чарм ва мўйна тери тўқималари бир вақтнинг ўзида юза томони бир-бирига қилинган иккита чарм ва мўйна тери тўқимага ишлов берадиган «Mollisa» типдаги ўтказувчи вибрацион-юмшатиш ускунасига чўзишга узатилади. Ясси (текис) резинали тасманинг ҳаракатлантириш тезлиги 13 айл/дақ. ни ташкил қилди. Кейин юмшатиш тери тўқималари 6-гидромерей прессида берилди.

Амалга оширилган тадқиқотларда олинган натижалар шуни кўрсатдики, чарм тери тўқималарини пардозлаш якуний технологик жараёнларида плёнканинг ҳосил бўлиши ва шаклланиши, плёнка ҳосил бўлиши механизмлари ҳақида анъанавий назариялар билан тўла мувофиқлашади.

30-35 °С ҳароратда бўёқни қуритиш вақти 20-30 дақиқа ва қоплама бўяшнинг туннелли қуритиш агрегатларида атроф-муҳит ҳарорати 80-90 °С ҳарорат бўлганида 50-60 сония оптимал бўлиши аниқланди. Агар тери

тўқимаси қоплам суртишдан олдин юқори намликка эга бўлса, қопламнинг якуний шаклланиши қийин кечади ва қўшимча қуритиш талаб қилинади.

Мавжуд технологиялар билан солиштирма таҳлил қилиш (9-жадвал) шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, чарм ва мўйна тери тўқимасини сирт юзасини пардозлашнинг таклиф этилган ихчам усули чарм ва мўйна тери тўқимаси адгезион хоссаларининг яхшиланишини таъминлаш билан биргаликда қопламнинг кўп марта эгилиб-букилишига барқарор, нам ишқаланишга, чўзишда мустаҳкамлик чегарасининг ортишига бевосита хизмат қилади.

Чарм ва мўйна саноатида тери тўқимасини пардозлаш жараёнида қопламали бўёқ асосида қоплаб бўяшнинг ихчам ва анъанавий технологиясини ишлаб чиқариш шароитида тадқиқот ўтказилди ҳамда чарм тўқимасини пардозлаш жараёнида янги қопламали бўёқ таркибини синаш ва уларни қўллаш технологияларини «JOBAT AGRO TERI» шўъба корхонаси шароитида 20000 кг га эга, 8000 дона, юза майдони 480 минг дм<sup>2</sup> бўлган 8 та ишлаб чиқариш партияси тайёрланиб, импорт ўрнини босувчи кимёвий материалларни ишлатиш ҳисобига тажриба-экспирементал партияси учун 28,020 млн.сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилди. Ушбу технология жорий этилганда йиллик иқтисодий самарадорлик 280,200 млн. сўм атрофида кутилиши мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Янги қопламали бўёқлар олишнинг асосий технологик жараёнлари такомиллаштирилди ҳамда технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаган чарм ва мўйна тери тўқималарни қоплама бўяшнинг ихчам комплекс технологияси ишлаб чиқилди.

2. Қопламали бўёқларнинг хоссалари ДТТ, ИҚ-спектроскопия, рентгенография, оптик ва электрон микроскопия, шунингдек, сорбция услублари билан тадқиқ қилинди. Қопламали бўёқларни чоклаш иссиқликка чидамли ва мустаҳкам фазовий структуранинг ҳосил бўлишига олиб келиб, у коллагеннинг аморф ҳолатидан кристалл ҳолатга ўтиши ҳисобига мураккаб кимёвий боғларнинг ҳосил бўлиши аниқланди.

3. Қопламали бўёқларни тайёрлашда чокловчи агентнинг оптимал таркиблари, ҳарорати ва миқдори аниқланди. Плёнка ҳосил бўлиш ҳароратининг пасайиши ва қотиш вақтининг қисқариши қопламларнинг кўп марта букилишга чидамлилиги ва шунингдек, қопламали бўёқ термомеханик барқарорлигининг ортишига олиб келади.

4. Полиакрил бўёвчи композиция таркибига оз миқдорда гетероциклик термобарқарорлаштиргични киритиш эритма қовушқоқлиги, плёнкалар мустаҳкамлигининг ортишига олиб келиши акрил эмульсиясининг ички молекуляр барқарорлашуви эффекти ҳисобига беркитувчанлик ва механик узайишининг камайишига хизмат қилди.

5. Тадқиқотлар қопламали бўёқнинг масса улушига нисбатан 9-10 масс. қисм нисбатда П-803 техник углероди ва қизил темир оксиди 110 даги жигарранг казеинли пигментли концентратлардан фойдаланиш тайёрланадиган чарм ва мўйна ҳамда пўстинбоп қўй тери тўқима ярим тайёр

маҳсулотларининг юқори даражадаги фойдаланиш хусусиятларини таъминлаши аниқланди.

6. Яратилган қопламали бўёқларнинг структура морфологиясини тадқиқ қилиш орқали полимер фаза тармоқланган фибрилаларнинг контактлашиш зонасида капилляр-ғовак микроячейкалар структурасида танланиб толаларнинг фазовий тўрли глобуляр фиксацияланган бўғинлараро фрагментларини ҳосил қилиши исботланди. Бу чарм тери тўқималарни қоплама бўяш жараёнида чарм тери тўқималар эластиклик модулининг ортишига олиб келди.

7. Қопламанинг дастлабки каватлари учун бир хил таркибли композициядан фойдаланишга асосланган технология қопламали бўёқларнинг минимал қалинликда бўлишини таъминлайди ва ўз навбатида, бу чарм ва мўйна тери тўқимасига нисбатан юқори адгезияга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида қопламлар эластик ҳолатга эга бўлади.

8. Полиакрилат-коллаген-кремнийорганик гидрофобизатор қопламали бўёқ билан ишлов берилган чарм ва мўйна тери тўқималарнинг нам ҳолатдаги тери тўқимаси бўёғининг барқарорлиги, шунингдек, қопламали бўёқларнинг ишқаланишга ва кўп марта эгилиб-букилишга чидамлилиги ҳамда кремнийорганик бирикмалар билан тайёрланган мустаҳкамловчи барқарор қоплама композициянинг чўзилувчанлик кобилиятини камайтирди, тери тўқима юзаси яхшиланди, қоплама юзасидаги адгезияли силлиқ юзали қопламалар олинди.

9. Лазерли ишлов бериш чарм ва мўйна тери тўқимаси юзасининг структурасини ўзгартириб, коллаген толалар тутамларининг ажратиб, структура юмшоқлаштириши қопламали бўёқ реагентларини тери тўқимаси билан адгезиясини ошириши ҳамда кимёвий модификацияларсиз уларнинг реакцион хоссаларининг ортиши аниқланди.

10. «JOBAT AGRO TERI» шўъба корхонаси шароитида бажарилган синов-ишлаб чиқариш тадқиқотлари янги бўёвчи қопламалар асосида чармларни қоплама бўяшнинг унификацияланган ихчам технология маҳаллий ресурслар асосидаги пардозлаш материалларидан фойдаланиш ҳисобига импорт ўрнини босишни таъминлайди. Чармларни қоплама бўяш жараёнида бўёвчи қопламалардан фойдаланиб ишлаб чиқариш шароитларида умумий майдони 480 минг дм<sup>2</sup> 1600 дона маҳсулот синов партияси тайёрланди. Фақатгина импорт ўрнини босиш ҳисобига иқтисодий самара 28,020 млн сўмни ташкил қилди. Кутиладиган йиллик иқтисодий самара 280,200 млн сўмни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилди. «Qunduz-A» хусусий корхонаси шароитида янги бўёқ таркибларидан фойдаланиб пўстинбоп кўй тери тўқимасини қоплама бўяш жараёнида 213750 дм<sup>2</sup> ҳажмда кийим-кечаклар учун тайёрланган пўстинбоп кўй тери тўқимасининг синов партияси тайёрланди ва иқтисодий самара 11,100 млн. сўмни ташкил этди. Кутиладиган йиллик иқтисодий самара 133,202 млн. сўмни ташкил этиши аниқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТОШЕВ АКМАЛ ЮСУПОВИЧ**

**НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОТДЕЛКИ И УСТОЙЧИВЫХ  
ПОКРЫТИЙ ПРИ ПЕРЕРАБОТКЕ СЫРЬЕВЫХ ШКУР**

**05.06.03–Технология кожи, меха, обуви и кожевенно-галантерейных изделий**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**



Тема диссертации доктора наук (DSc) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.DSc/T288

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://web.ttyesi.uz>) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)).

Научный консультант: **Кодиров Тулкин Жумаевич**  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна**  
доктор технических наук, профессор

**Икромов Абдувахоб Икромович**  
доктор технических наук, профессор

**Каримов Маъсуд Убайдулла угли**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация: **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «02» декабря 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2-й этаж, 222-я аудитория. Тел: (99871) 253-06-06, (99871) 253-08-08. факс: (99871) 253-36-17; e-mail: [titp\\_info@edu.uz](mailto:titp_info@edu.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (диссертация зарегистрирована за №114). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Тел.: (99871) 253-06-06, (99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «16» ноября 2021 года.  
(реестр Протокол рассылки № 114 от «16» ноября 2021 года.)



  
**Н.К.Сабиров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.З.Маматов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**Н.А.Набиева**  
Председатель разового Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире обработка натуральной кожевая ткань кожи и меха Китай, Бразилия, Индия, Аргентина занимает одну из лидирующих позиций. В настоящее время 37% кожевая ткань крупного рогатого скота перерабатываются Китаем, Бразилией и Индией, 31% кожевая ткань овчины и 77% кожевая ткань козчины перерабатываются в кожевенной промышленности Китая, Индии, Турции и Бангладеш<sup>4</sup>. Удовлетворение всевозрастающих потребностей различных отраслей народного хозяйства в новых специальных материалах, превосходящих по своим свойствам уже известные, а также синтез различных видов полимеров, моделирующих природные и синтетические соединения, является важным.

В мире исследования полимерно-пленочных материалов получили интенсивное развитие в связи с большими успехами, достигнутыми в области химии и физики полимеров<sup>4</sup>. Создаются новые полимеры с заданной микро- и макроструктурой и улучшенными свойствами, расширяются сферы их применения. В настоящее время создание покрывных красителей диктует необходимость в получении полимеров с улучшенными и более ценными свойствами.

Наше правительство уделяет большое внимание созданию новых ассортиментов ресурсосберегающих, эстетичных, конкурентоспособных, а также ориентированных на экспорт кожевенно-мехового изделий за счет внедрения инновационных технологий в области кожевенно-обувных и меховой промышленности. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, ... совершенствование техники и технологий производства новых видов конкурентоспособной продукции из местного сырья»<sup>5</sup>. Поэтому одной из актуальных проблем на сегодняшний день считаются совершенствование методов и технологий их отделки сырья кожи и меха, создаваемых в республике, для сохранения их технологических свойств в естественном состоянии, сокращение технологических процессов, эффективное использование ресурсосберегающих технологий, способных обеспечить выход качества изделий их кожи и меха на уровень международных стандартов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для осуществления задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4982 от 8 февраля 2021 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию кожевенно-обувной и

<sup>4</sup><http://www.britannica.com/EBchecked/topic/416152/nitrocellulose>

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

пушно-меховой отраслей», №ПП-3693 от 3 мая 2018 г. «О мерах по дальнейшему стимулированию развития и роста экспортного потенциала кожевенно-обувной и пушно-меховой отраслей», №ПП-2592 от 15 сентября 2016 г. «О программе мер по дальнейшему развитию кожевенно-обувной промышленности на период 2016-2020 годы», а также в других нормативно-правовых документах данной отрасли.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Нанотехнологии и химические технологии».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>6</sup>.

Широкие научные исследования, направленные на развитие техники и технологий в кожевенной и меховой промышленности, разработку и совершенствование интенсифицированных и экологически чистых отделочных технологий, производство новых ассортиментов отделки кожаной ткани кожи и меха, осуществляются ведущими научными центрами и высшими образовательными учреждениями мира, в том числе British School of Leather Technology, University of Northampton (Великобритания), China Leather & Footwear Industrial Research Institute (Китай), Korea Institute of Footwear & Leather Technology (Республика Корея), Tomas Bata University in Zlín (Чехия), Revista de Pielarie Incaltaminte is published by Leather and Footwear Research Institute (Румыния), Киевский национальный университет технологий и дизайна (Украина), Российский государственный университет им. А.Н.Косыгина (Технологии. Дизайн. Искусство), Восточно-Сибирский государственный университет технологий и управления (Россия), Бухарский инженерно-технологический институт (Узбекистан).

В результате мировых исследований по производству покрывных красителей на основе устойчивых покрытий, создания и эффективного использования композиций покрытых красок был получен ряд научных результатов, в том числе следующие: созданы новые композиции для покрывной крашение кожаной ткани кожи (British School of Leather Technology, University of Northampton, Великобритания), созданный состав покрывной красок и предложены применять технологические методы (China Leather & Footwear Industrial Research Institute, Китай), поверхность окрашенной натуральной кожи активизируется с помощью воздушно-плазменной обработки (Tomas Bata University in Zlín, Чехия), создана технология покрывной крашения NAPALAN кожаной ткани меха (Revista de Pielarie Incaltaminte is published by Leather and Footwear Research Institute, Румыния), созданы новые композиции в покрывной крашения натуральной кожи (Российский государственный университет им. А.Н.Косыгина

---

<sup>6</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Wenhang Niculescu, O., Leca, M., Staicu, T., Micutz, M., Moldovan, Z., Rheological Behavior of Ecologic Pigment Pastes for Natural Leather and Fur Finishing // J. Rev Chim (Bucharest). – 2015. Vol. 66. – No 10. – P.1549-1553; Wang, Yabin Wang, Yanan Wang, Xiaowei Zhang, Xiao Wang, Guixian Gao. Fabrication and characterization of microfibrillated cellulose and collagen composite films // Journal of Bioresources and Bioproducts. – 2016, – No 1(4). – P. 162-168: [http://www.contractleathers.com/History\\_and\\_process.pdf](http://www.contractleathers.com/History_and_process.pdf) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Технологии. Дизайн. Искусство), Восточно-Сибирский государственный университет технологий и управления, Россия), созданы различные композиции для отделки кожаной ткани кожи и меха (Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан).

В мире проводятся всесторонние научные исследования по разработке и совершенствованию техники технологии кожевенно-меховой промышленности, в том числе в следующих приоритетных направлениях: совершенствование технологии производства кожаной ткани кожи и меха высокого качества, улучшения свойства кожаной ткани кожи, меха и их модификация, активация поверхности натуральной кожаной ткани кожи и меха с помощью различных обработок и развития их научные и практические основы.

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время научному изучению свойств покрывного крашения и химической природы покрытия кожаной ткани кожи и меха посвящены работы таких исследователей, как O.Niculescu, D.C.Deselnicu, M.Leca, Z.Moldovan, J.Hoefler, V.Hageman, A.Bacardit, L.Olle, J.M.Morera, **Isabel P. Fernandes, Vera Pinto**, H.T.Zhang, R.Guan, M.Ibrahim, O.Osman, М.И.Кунц, Г.Г.Шлык, М.З.Дубиновский, С.И.Студеникин, Г.Ф.Есина, А.Г.Данилкович, В.И.Чурсин и др.

Узбекскими учеными Т.Ж.Қодировым, М.И.Темировой, Б.Г.Рамазоновым, У.О.Худановым, Ф.Ф. Казаковым и др. проводятся работы посвященные области создания отделочной композиции кожаной ткани кожи и меха и получены положительные результаты.

Наряду с вышеизложенными, также проводятся научно-исследовательские работы, касающиеся создания стабильных композиций покрытий для переработки кожаной ткани кожи и меха, и изучения создания технологий компактной отделки кожаной ткани кожи и меха физико-механических, химических свойства.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ фундаментальных и прикладных проектов Ташкентского института текстильной и легкой промышленности по темам: А-6-314. «Разработка эффективной технологии отделки кож новыми красящими полимерными пленкообразователями на основе местного сырья», ЕФ-3,017. «Исследование закономерностей создания красящих полимерных пленкообразователей на основе природных и синтетических полимеров», ЁА-6-08. «Разработка безопасной технологии отделки кож красящими полимерными пленкообразователями на основе местного сырья», А-12-16. «Создание импортзамещающего отделочного материала для кожи гидролизом и модификацией промышленных отходов коллагена» и ПЗ-20170925162. «Создание нового гидрофобизирующего полимерного материала для кожевенных изделий и улучшения их эксплуатационных свойств».

**Целью исследования** является получение покрывных красителей на основе устойчивых покрытий с новыми технологическими и потребительскими свойствами, изучение основных химических и физико-механических и гигиенических свойств, а также создание эффективной безопасной технологии отделки кожаной ткани кожи и меха.

**Задачи исследования:**

получить отделочные материалы для обработки кожаной ткани кожи и меха на основе новых стабильных покрытий и изучить их основные химические и физико-механические свойства;

определить структурообразование при обработке кожаной ткани кожи и меха на основе полученных покрытий, а также адгезионных свойств;

исследовать способность сшивающих агентов на структурообразование стабильных покрытий;

выявить влияние неорганических пигментов на свойства стабильных покрытий для кожаной ткани кожи и меха;

рассмотреть химические, физико-механические и гигиенические свойства кожаного сырья отделенного стабильными покрытиями;

определить физико-механические свойства кожаной ткани поверхности кожи и меха, модифицированные лазером;

разработать эффективную и безопасную технологию покрывного крашения кожаной ткани кожи и меха на основе стабильных покрытий и достичь экономическую эффективность.

**Объектом исследования** является местной кожаной сырье, покрывной краситель, пигментный концентрат, органические красители, коллаген, белковые гидролизата, а также образцы переработанной кожаной ткани кожи и меха.

**Предметом исследования** является получение безопасной эффективной технологии покрывного крашения для нанесения покрытия на поверхность кожаной ткани и получения покрывных красителей.

**Методы исследования.** В процессе исследовании использовались физико-механический и химический анализ показателей качества покрывной крашения кожаной ткани кожи и меха, вычислительные методы и математико-статистические методы.

**Научная новизна работы** заключается в следующем:

разработана одноступенчатая технология отделки кожаной ткани кожи и меха сокращаются процессы лакирования и пигментными, без пигментными грунтовка, обеспечивая термомеханической устойчивости покрывных красителей;

определено, что сшивание покрывных красителей приводит к образованию термоустойчивой и прочной пространственной структуры обусловленной образованием сложных химических связей в процессе перехода коллагена из аморфного состояния в кристаллическое;

определен оптимальный состав покрывных красителей добавлением эмульсии сополемера и сшивающего агента, что приводит к снижению температуры пленкообразования и сокращению времени отверждения;

